

ЎЗБЕКISTON

OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

● 2006-yil ● 9-fevral ● Payshanba ● 17 (27.509) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Бугун буюк бобомиз Мир Алишер Навоий таваллуд тоғанига 565 йил тўлди.



Ҳазрат Навоийга етмоқ-чун, эй дил, Яна беш юз йиллар юрмоқ керакдир.

Сирожиiddин САЙИД

НАВОИЙ МАЪНАВИЯТИ — КОМИЛ ИНСОН МАЪНАВИЯТИ

Модомики, XV асрда, Навоий замонида шунақа тижоратчи «ҳожилар» бўлган экан, демак, иллатнинг тарихи узок ва бизнинг замондаги тохир «ҳожилар» ўшаларнинг давомчиси бўлиб чиқади. Навоий назарида бу нафақат шариятга, балки одамийлик ахлоқига ҳам зиддир: **Бувад имонат он, исломат ин, эй «мўмини муслим»,** **Жуз ин ҳам кофирихо бошадат дар парда пинхоний.** (Имонинг шуми, исломинг буми, хайф сенга эй «мўмину муслим» номини кўтариб юрган. Сенда бундан бошқа кофирликлар ҳам яшириндир). Бундай одамлар рўзани ҳам хасислик юзасидан, бошқалар дастурхонидан қорин тўйгазиш учун тутадилар. Курьонни уй безаги учун сақлайдилар, аммо унинг маъносидан беҳабарлар. Намозда саждага бош урадилар-у, аммо бошларида минг хил савдоий фикр.

Нафс домига тушган одам бир хиёнат кетидан иккинчисини қилаверади. Алдаш, ёлгон сўзлаш, найранг ишлатишни ўзининг «хўнарига» айлантиради. Маскур қасидада шоир бир қиёсни келтиради: агар, масалан, фаришта одам суратида пайдо бўлса, шайтон ниятли одам дарров уни меҳмон қилишга тушади, унга жом тўла шароб ичиради, беҳуш қилади-ган дорини майга қўшиб беради. Шундай маккорлик билан бадният киши мақсадида эришмоқчи бўлади. Шоир

ёмон одамларнинг руҳиятини қанчалик чуқур ўргангани кўриниб турибди. Содда, пок одамларни ҳам бу нопоклар булғаш мумкин. Инсон найранги олдида шайтон ҳам ожиз. Бу — бир жиҳати.

Иккинчи жиҳати шуки, Навоий инсондаги бундай нуқсонларни қаттиқ танқид остига олса-да, аммо, барибир, муҳокамалари замирида ачишиш ҳисси бор. У инсон қисматида, унинг Нафс домига гирифтор бўлиб қолганига қайғуради, дард билан сўзлайди. Унинг тасвирича, инсон жаннатда эканлигида тоза хилқат, пок руҳ эди. Аммо шайтон гапига кириб, жаннатдан қувилди — моддий оламга бадарга қилинди. Бироқ бу фожиани тузатишнинг илоҳи бор: Парвардигор инсонга покланиб, ақлу заковат, илму амалини кўпайтириб, маънавий-руҳий жиҳатдан юксалса — ўз аслига қайтишга, яъни Жаннатга киришга ваъда берган. Демак, ҳамма нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Инсонга имконият берилган. Агар инсон бундан анласа, маънавий тақомиллашса, аслига — Поклик оламига, Ҳақ ҳузурига мушарраф бўлади. Аммо бундан анламаса, интиласа — тубанлашиб, ҳайвонлар қаторига қўшилиди, инсонлик шарафини ундан буткул кетади.

Мана шу гоа асосида инсон ахлоқини поклаш, Комил инсон идеалига интилиш шавқи Навоий асарлари мағзини ташкил этган.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар: ИМКОНИЯТЛАР, ИЗЛАНИШЛАР, МУАММОЛАР

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан биргаликда соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларнинг бориши ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini тақомиллаштиришга қаратилган қонун ва қарорларнинг бажарилиши масалаларига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда партия фаоллари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, етакчи мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Тadbирда соҳадаги ислохотларнинг ижтимоий самарасини ошириш, бу ишларда партия ташкилотларининг бевосита иштирокини кучайтириш каби муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалалар хусусида қатор фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирли Ф.Назиров олиб борган «давра суҳбати» Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Фуломовнинг «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар ижтимоий самардорлигини ошириш — Ўзбекистон ХДП Дастурининг устувор йўналишларидан бири» мавзусидаги маърузаси билан бошланди.

Авалло шуни қайд этиш жоизки, — деди партия раҳбари, Ўзбекистон Президентининг

соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар олиб боришга ва тиббиёт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini тақомиллаштириш ҳамда улар меҳнатини моддий рағбатлантиришни оширишга қаратилган Фармон ва қарорлари Ўзбекистон ХДП томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланади. Бу ҳужжатлар, уларни амалга ошириш бўйича ҳукумат қарорлари ҳамда тиббий-санитария бирламчи ёрдам тизimini жойларда тақомиллаштиришга қара-

тилган ишлар, аҳолига бепул тез тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар фаолияти, соҳада юқори технология тизimini жорий этишга доир тadbирлар, буларнинг барчаси Ўзбекистон ХДП Дастурининг асосий устуворликларидан саналади ва улар партия электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Зеро, Дастурда соғлиқни сақлаш тизimini ҳаммабоб ва малакали бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланган, миллат соғлигини муҳофаза қилаётган шифокорларни партия ўзининг асосий таянчларидан бири сифатида белгилаб қўйган. Хусусан, ўтган йилнинг июль ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП V қурултойида айнан бу ишларда мавжуд имкониятлар доирасида иштирок этиш партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар гуруҳларининг муҳим вазифаларидан эканлиги алоҳида кўрсатилган эди.

2-бет



ҲАРБИЙЛАРНИНГ БИР СОАТЛИК ДАРСИ

Ўзбекистон ХДП фаоллари иштирокида ўтди

Ҳар бир мустақил юрт аввало, ўз сарҳадларини мустаҳкамлашга, қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қатъий эътибор беради. Юртимизда қуроли қўчлар тизimini ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар изчиллик билан давом эттириляпти. Ҳарбийларнинг нафақат жанговар, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тайёргарликларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳарбий госпиталда ўз билимларини мустаҳкамлаётган тиббиёт ходимлари — шартнома бўйича хизмат сержантларининг ижтимоий-сиёсий тайёргарлик дарсларига Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Ш.Файзиев, Мирзо Улугбек туман кенгаши раиси

Р.Сатторовалар тақлиф этилди. Улар аскарларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тутаётган позициясини, унинг янги Дастурда кўтарилган масалалар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракциясининг қонунчилик ташаббуслари, партиянинг бошқа сиёсий қўчлардан асосий фарқлари ҳақида гапириб бердилар.

Учрашув сўнггида бундай мулоқотларни ҳамкорликда тез-тез ташкил қилиб туриш, уларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторларни ҳам тақлиф қилиш ҳақида келишиб олинди.

(Ўз муҳбиримиз)

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Финляндия Республикаси Парламентининг хорижий ишлар кўмитаси раиси Лийса Яконсаари хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова билан учрашди.

Ҳамият сиёсий ва ижтимоий ҳаётида хотин-қизлар фаоллигини ва мавқеини янада ошириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлодни воёга етказиш, соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Финляндия ўртасида маъмурият, ҳуқуқ соҳаларида, тиббиёт соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга оид ма-

салалар юзасидан фикр алмашилди.

— Биз Ўзбекистонга ташрифимиз асосида Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида бўлиб, гоёта самарали музокара-рала ўтказдик,— деди Финляндия Парламенти делегацияси раҳбари Л.Яконсаари. — У ерда кўмиталар ва фракциялар раҳбарлари билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида қонунчилик борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофида муҳокама қилинганини алоҳида қайд этгим келади.

(ЎзА)

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ОЙЛИГИ

Наманган (ЎзА муҳбири И.Раззоқов). Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят кенгашининг тақлифига кўра Наманган вилоятида 1-28 февраль кунлари маънавият ва маърифат ойлиги ўтказилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад фўқароларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсат билан кенг таништириш, аҳоли, айниқса ёшларда миллий қадриятларга ҳурмат, ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар моҳиятини, миллий истиқлол гоёсини англаш ҳиссини шакллантириш ҳисобланади. Маҳаллалар фўқаролар йиғинлари, қишлоқлар, ўқув юрталари ва меҳнат жамоаларида маънавий ва маданий тadbирлар ўтказилмоқда. Уларда таниқли олимлар, маданият ва санъат арбоблари иштирок этмоқда.

Тadbир

Бугунги кунда жамиятимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан аҳолининг, хотин-қизларнинг иш билан бандлигига ҳам боғлиқ.

Президентимизнинг жорий йилнинг 5 январидида «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, қадимдан халқимиз касаначиликнинг тикувчилик, дурадгорлик, нақшошлик, мистгарлик каби менталитетимизга мос йўналишлари билан шуғулланиб келган. Қолаверса, касаначилик ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламнинг турмуш даражасини оширишда жуда муҳим роль ўйнайди. Зеро, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож қисмини ҳимоялаш Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурининг бош йўналишидир.

Сергели туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда ХДПнинг туман кенгаши ҳамкорликда Шукур Бурхонов номли маҳаллада «Касаначилик — турмушимиз фаровонлиги калити» мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тadbирда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева қатнашди ва маҳалла аҳли, хотин-қизларга кичик микрокредит, касаначиликни ривожлантиришда корхона ҳамда касаначи орасидаги кооперация алоқаларининг муҳимлигини ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берди.

Йиғилишда маҳалла хотин-қизлари бу борадаги муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мамлакат АБДУРАҲМОНОВА, хусусий тadbиркор:

— Оилавий нақшошлик, дурадгорлик, тикувчилик билан шуғулланамиз, ёшларни касб-хўнарга ўргатаймиз, аёлларни тикувчиликка ўқитамиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш имкониятига эгамиз, аммо жой муаммоси тўқсанлик қиялпти, тайёрлаган маҳ-

сулотимизни сотишда қийинчиликлар туғилапти.

Маҳфуза ШОЁКУБОВА, Шукур Бурхонов номли маҳалла кўмитаси диний, маърифий ва ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси, ХДП Сергели туман кенгашининг маҳалла бошланғич ташкилоти раиси:

— Уйларида ишсиз ўтирган

МАҲАЛЛАДА КАСАНАЧИЛИК



хотин-қизлар орасида касаначиликни ривожлантириш устида изланяпмиз, ташвиқот ишлари олиб боряпмиз. Мен ўзим ҳам хусусий тadbиркорман. Хусусан, «Уста-шоғирда» аъёнаси бўйича ёшларга касб-хўнарга ўргатаймиз. Оиламизда нақшошлик тўғрисида очгандим, ҳозир у «Маҳалла ёшлар маркази»га айланди. Ёшларга хўнарамандчилик сирларини ўргатаймиз, марказимизда 20 нафар йигит шуғулланяпти, ошхона мебелларини ясаляпти.

Марказ ташкил этилишида маҳалла ёшларининг ўзлари ташаббус кўрсатишди. Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Аҳолининг кам таъминланган оилалари орасида касаначиликни кенроқ йўлга қўйиш, бозорга рақобатбардўш маҳсулот ишлаб чиқариш учун бино, жойимизни кенгайтиришимиз керак. Муаммоимизга ечим топсак, аҳолиимизга янги даромад манбаи яратардик.

Аёлларни уйда тadbиркорлик билан шуғулланишларига имкон

яратиш мақсадида яқинда «Оқила аёллар» уюшмасини туздик. Касаначилик, асли, қонимизда бор, бой маданий меросга эгамиз. Маҳаллада ўлмас миллий аъёнларимиз, қадимий қуроқчилик, каштачилик каби йўналишлар яна қайта жонланяптани кувончи, ҳол, албатта.

Феруза МИРЗАЕВА, тadbиркор:

— Биз азалдан ўзимизни исрофгарчиликдан, нобудгарчиликдан асраган халқимиз. Агар

уддабурон бўлсангиз, турмушда ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Мен тикувчиман, матолардан қийимлар чиқади, баъзилар уни чиқитга ташлашади. Биз эса улардан унумли фойдаланамиз. Қадимий йўналиш — қуроқчилик билан шуғулланамиз, чойнакка тагликлар, ёстиқ жилдлари, кашта солинган сочиқлар тикаямиз.

Фаолиятимизни кенгайтириш учун корхоналар билан шартномалар тузмоқчимиз. Ҳозир билдим, истеъмол кредитлари бизга жуда қулай экан. Афсуски бино, жой муаммосини ҳал этолмаяпман.

Дарҳақиқат, тadbиркорларнинг мулоҳазаларида жон бор. Жамиятимизда касаначиликни ривожлантиришда қийинчиликлар бўлиши ҳам табиий. Фармонда буларнинг ҳаммаси инобатга олинган, аҳолини уй меҳнати фаолиятига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш зарурлигига алоҳида аҳамият қаратилган.

Яна бир муҳим жиҳати, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлиб, аммо имконият тополмаган, уйда ўтириб қолган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашда касаначиликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Соқда САЙХУН, «Ўзбекистон ОВОЗИ» муҳбири

ЎЗБЕКISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар логотипи

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbnb.uz E-mail: info@tshbnb.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар логотипи

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар логотипи



ЯПОНИЯ

уллик билан ёндошмас эдилар. Бу оқибатда 2003-2004 йилларда кўплаб малакали шифокорларнинг хусусий шифохоналарга ишга ўтиб кетишларига олиб келди.

Сўзга чиққанларнинг барчаси тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини айтиб, Президентнинг бу борадаги қарори тўлағича ишлаши устидан партия кенгашлари жамоатчилик назоратини олиб бориш кераклигини таъкидладилар.

Хозир барча ХДП кенгашлари ҳузурида жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилган. Суҳбат иштирокчилари партия ушбу жамоатчилик қабулхоналари орқали одамларнинг соғлиқни сақлаш тизимида бўлаётган муаммоларни, қийинчиликларини ечишга ёрдам кўрсатиши мумкинлиги, бу борада кенг тарғибий-ташвиқий ишлар олиб бориш лозимлиги, тегишли юридик маслаҳатхоналар очишга тайёр эканлигини билдирдилар.

«Давра суҳбати» қатнашчилари муҳокама қилинган мавзуга доир муаммоларни ҳал этиш, тегишли дастур ва режаларни амалга оширишда манфаатдор томонларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириш давлат даражасидаги бу муҳим масаланинг ижобий ечилишига қўшилган салмоқли хисса бўлишига шубҳа йўқ эканлигини таъкидладилар.

«Давра суҳбати»да Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раиси А.Рустамов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари Ш.Абдуллаева, Н.Каримов, Г.Аъзамова, фракциянинг қатор аъзолари ҳамда ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, шунингдек, пойтахтдаги айрим туман партия кенгашлари раислари иштирок этдилар. Мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

«Давра суҳбати» якунида партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларига соғлиқни сақлаш шартлари билан биргаликда худди шундай тадбирларни жойларда ўтказиш тўғрисида тавсия берилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Японияда уяли телефонлар мулоқот воситаси бўлибгина қолмай, балки бошқа қатор юмушларни ҳам бажаришга хизмат қиладиган кўлай мосламага айланганига анча бўлди. Яқиндан бошлаб японияликларнинг кўл телефонлари ҳамён вазифини бажармоқда. Айтиш жоизки, хозир мамлакат аҳолиси ўртасида бундай телефонларга талаб жуда катта.

«NTT DoCoMo», «Kiddi Corp» ҳамда «Vodafone K.K.» компаниялари томонидан ишлаб чиқарилаётган ҳамён телефонларга махсус микро-тизимлар ўрнатилган бўлиб, улар касса апаратидан ўтказилганда телефон эгасининг банк ҳисоб рақамидан керакли миқдордаги маблағни «чегириб олиш» имконини беради.

Айни пайтга келиб Японияда ҳамён телефонларнинг сони 9 миллион дондан ошиб кетди. Улар ёрдамида мамлакатдаги 28 миң дўкондан маҳсулот харид қилиш мумкин.

Бу янгилик транспорт соҳаси вакиллари ҳам бефарқ қолдирмади — энди уяли телефонлар ёрдамида жамоат транспорти, метро, такси ва поёзларда ҳам шу тариқа йўл ҳақини тўлаш имконияти пайдо бўлди.

Мутахассисларнинг фикрича, телефон орқали пул тўлаш тизими тез ривож топади ва бу имконият уяли алоқа тизимининг «кўёфасини» бутунлай ўзгартириб юборади. Баъзи таҳминларга кўра, келажакда банк хизматлари кўрсатиш ҳамда турли тўловларни амалга ошириш имконияти уяли алоқа компаниялари даромадининг энг муҳим манбаларидан бирига айланади.

Акmalжон КҮЧҚОРОВ, «Жаҳон АА» мухбири

РОССИЯ

Кеча Россия президенти Владимир Путиннинг Испанияга ташрифи бошланди.

Ташриф доирасида сажизта ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улардан энг асосийси террорчиликка қарши курашиш бўйича қўшма баёнотдир. Қолганлари Россия ва Испания ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорлик, фазовий тадқиқотлар, банк иши ва сайёҳликка оиддир.



МИСР

Миср ҳукумати «Салом — 98» кемасининг ҳалокатга учраши сабабларини ўрганмоқда. Тергов давомида «Салом — 98» кемаси ўзидан олдинроқда кетаётган «Сейнт Кэтрин» кемасига ёрдам сўраб мурожаат қилганини аниқланди. Бироқ «Сейнт Кэтрин» капитани мурожаатга жавоб бермаган.

— Мен кемадаги 1800 йўловчининг ҳаётини хавф остига қўймайлик учун мурожаатга жавоб бермадим. Чунки уша кунги ноқулай об-ҳавонинг ҳисобига олганда кема ортага қайтиш учун бурилиш пайтида ағдарилиб кетиши мумкин эди. Оқибатда фир эмас, иккита кема сувга гарқ бўлиши эҳтимолдан холи эмасди, — деди капитан.

Мисрнинг Сафага порти ёнида яна 78 нафар йўловчи жасадлари топилди. Мисрлик кўтарувчилар ҳалокат натижасида ҳалок бўлганларнинг аниқ сонини айтишга қийналмоқдалар, чунки ҳали ҳам жасадлар топилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, шу пайтгача 388 одам қутқариб қолинган, 245 жасад сувдан олиб чиқилган.

АҚШ — АФГОНИСТОН

Америка ҳукумати Афғонистоннинг қарзларини кечиб юбориши ҳақида хабар қилди. АҚШ давлат департаменти вакили Шон Мак-Кормак маълум қилишича, қарзлардан кечиб жараёни кредитор мамлакатларнинг Париж клуби қондаларига кўра, амалга оширилди.

Шон Мак-Кормак бошқа давлатларни АҚШ ҳукумати каби Афғонистоннинг қарзларини кечинга қақариб, шу пайтгача Россия, Германия ва бошқа бир қатор мамлакатлар бу борада розилик билдирганини айтиб ўтди.

Америка ҳукумати вакилининг сўзларига кўра, Афғонистон қарзларининг 100 фоизга кечилиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва асосий кредиторлар билан алоқаларини йўлга қўйишига туртки бўлади.

БЮК БРИТАНИЯ

Лондон суди судьяси Энтони Хьюз ўз давлатлари билан миллиятлар орасига нифок солишда айбланган мулла Абу Хамза ал-Масрини етти йилга озодликдан маҳрум этишга қарор қилди.

Бир неча ҳафта давом этган суд жараёни натижасида Лондоннинг марказий жиний суди Абу Хамза айбланаётган 15 пунктнинг 11 таси бўйича уни айбдор деб топди.

АҚШ томони уни Орегон штатида террорчиларни тайёрлаш марказини тузиш ҳаракатларида айбламқда.

АҚШ

Американнинг марказий разведка бошқармаси ўз хизматчилари орасида тергов ўтказиши маълум қилди. Терговдан мақсад махсус хизматнинг махфий амалиётлари ҳақидаги маълумотлар қандай қилиб журналистлар қўлга тушиб қолганини аниқлашдир.

Маълумотларга кўра, терговни ўтказишга ўтган йили дунё оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўлган МРБнинг Европадаги махфий қамқоқоналари ҳамда террорчиларнинг хоржий мамлакатлар қамқоқоналарига хуфидан ўтказилиши ҳақидаги маълумотлар тарқалиб кетиши сабаб бўлди.

— Менимча, ташкилотимизда махфийлик маданияти емирилиши кузатишмоқда, бироқ биз уни тиклашга ҳаракат қиламиз, — деди МРБ раҳбари Портер Госс.

Ташкилот раҳбари айбдорлар топилшига умид боғлаб, терговни катта ҳайрат олиб боришини ҳам маълум қилди. Тергов давомида ҳатто репортёрлар ҳам сўроққа қақарилиши мумкин экан.

Фазлиддин АРЗИЕВ, ЎЗА мухбири



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотлар: ИМКОНиятлар, Изланишлар, Муаммолар

кўрсатувчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий шифохоналар ҳамда тез ёрдам муассасаларига, улардаги иш сифати ва тиббиёт ходимлари масъулиятини янада ошириш билан боғлиқ. Аммо бу, биринчи навбатда, бюджет томонидан соҳага ажратилган маблағлардан тиббиётнинг мазкур йўналишларини етарлича таъминлашга бориб тақалади. Демак, бу масалалар устидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилиши даркор.

Шу билан бирга, тегишли тушунтириш ишларининг ташкил қилиниши мавжуд муаммоларнинг ечимида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимида Ўзбекистон ХДП аъзоларининг катта қисми ишлайди ва кўпгина тиббиёт муассасаларида ХДПнинг бошланғич ташкилотлари мавжуд. Партия айни шу бошланғич ташкилотлар орқали тиббиёт ходимларининг муаммолари, талаблари

ва ечимини кутаётган масалаларни яхши билади, соҳа эгалари манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Шундан келиб чиқиб, дейилди «давра суҳбати»да, мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратилган қарорлар, Президентнинг Фармон ва қарорлари, хусусан, унинг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш ва мустақил жамоатчилик назоратини ўрнатиб партия мунтақавий кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятдан фойдаланиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Ушбу масалалар юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП фаоллари партиянинг V Қурултойти ва Марказий кенгаш III пленумидан сўнг жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар

гуруҳлари мазкур масалаларни ечишга қаратилган ташаббуслар билан чиқа бошладилар, тегишли ижро органлари томонидан муаммоларни ҳал этишга қаратилган қарорлар қабул қилинишига эришишга ҳаракат қилаётганликларини айтиб ўтдилар.

«Давра суҳбати»да таъкидланганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси электоратининг каттагина қисмини айнан тиббиёт ходимлари ташкил этади. Уларнинг асосий қисми фақат оилак маоши ҳисобига кун кечиради-ган одамлардир. Ўзбекистон ХДП миллият соғлиқни ҳимоя қилаётган тиббиёт ходимларига келгуси сайловларда етакчи ўринни олишдаги курашда ўзининг асосий таянчи сифатида қарайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Йиғилишда тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими жорий этилиши, «шифокор» деган хай-рили касб эгалари бўлган оли-

жаноб инсонларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш нафақат соғлиқни сақлаш тизимида катта ижобий ўзгаришлардан далolat беради, балки мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш босқисига, яъни олишдаги курашда ўзининг асосий таянчи сифатида қарайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.

Йиғилишда тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизими жорий этилиши, «шифокор» деган хай-рили касб эгалари бўлган оли-

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида

Тошкентда «Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум»га қўшилган давлатларнинг Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Россия, шунингдек, БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасидан вакиллар, қатор хоржий мамлакатлардан кузатувчилар, мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, республикамизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев бошқарди.

Бугунги кунда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси халқаро хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётган трансмиллий хавфга айланган. Бу муаммага қарши фақат изчил ҳамкорликда курашилгандагина кутилган натижага эришиш мумкин. Президент Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, хавфсизлик йўлида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг давр тақозо этаётди.

«Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум» 1996 йил май ойида Тошкентда Марказий Осиёнинг беш давлати (Ўзбекистон, Қозғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон) ҳамда БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси томонидан имзоланган эди. Кейинчалик унга Россия Федерацияси ва Озарбай-

молларига кўра, 2005 йилда бу мамлакатда 4100 тонна кўкнори етиштирилган. Бундай гиёҳванд моддаларнинг муайян қисми «шимойлий йўналиш» бўйича, яъни Марказий Осиё ва Россия орқали Европалга чиқмоқда. Афғонистон ҳукумати ва бу мамлакатдаги хоржий контингент томонидан қилинаётган ишлар эса оғуфрушликка қарши курашда кескин бурилиш юзай олимаётди.

Гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi қарши курашда турли халқаро ташкилотлар, хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Жумладан, 2004 йилда ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishi га қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланган.

Аммо, наркотибизнес ҳамон халқаро террорчиликнинг молиявий таянчига айланиб бормоқда. Марказий Осиё давлатлари халқаро террорчилар томонидан кўллаб-қувватланадиган наркомафиянинг нишонларидан биридир. Масаланинг муҳим томони шундаки, наркотик моддаларни Фарб давлатларига етказиш йўллари айнан шу минтақа орқали ўтмоқда.

Халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатлари Афғонистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар миқдори ортиб бораётганини туфайли қийин вазиятга дуч келаётди. Ўзбекистон раҳбарияти наркотрафикнинг олдини олишда муайян ҳудуд-

ЎзХДП фаоллари БИР ТАШАББУС САМАРАСИ



Чуст тумани марказидаги Хўжабод мавзесида жойлашган Абдулла Қаҳҳор номи 11-ўрта мактаб Наманган вилоятидаги кекса илм масканларидан. Чустликлар бу мактабни бежиз «она мактаб» дейишмайди. Чунки у 1924 йилда ташкил этилган бўлиб, хозиргача ундан иккита мактаб ажралиб чиққан.

«Мактабга янги бино қуриш учун ажратилган ер анча олис-ди. Ундан кўра шу бинони бузиб, ўрнида янги иморат тикланса-чи?» Ота-оналар йиғилишида айтилган бу таклифни ўтган йили туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими қўллаб-қувватлади. Натижада ҳашар йўли билан 450 ўринли янги мактаб биноси тикланди.

— Аслида бу ният ота-оналар томонидан илгари ҳам бир неча бор айтилганди. — дейди мактаб директори ўринбосари Умаржон Ортиқов. — Ушанда негадир хафсала қилинмаганди. Президентимиз айтганларидек, раҳбарга кўп нарса боғлиқ. Еш, ғайратли Муқаддасон Фазлиддинова директор бўлиб келди-ю, ишлар жонлана бориб кетди. У тегишли жойларга учраб, масалани ижобий ҳал этди. Кузнинг иссиқлиги ҳашарчиларимизга кўл келди. Мактаб биноси ҳамда 40 ўринли шинамгина охишна тез орада фойдаланишга топширилди.

Муқаддасон Фазлиддинова узок йиллар педагогик фаолиятини ЎзХДП туман кенгаши сектор мудирлиги билан қўшиб олиб борган. Ташкилотчилик қобилияти, қизиқувчанлиги, катияяти партия сафида чиниққанлигидан. Унинг таъсирчан тарғиботи туфайли қўсқа мuddатда жамоадаги партия аъзоларининг сони 16 нафарга ўсди.

— Жамоаимизда ХДП аъзолигига хоши билдираётганларнинг ўсишига мен эмас, партияимиз янги Дастуридаги аниқ мақсадлар асос бўлмоқда. — дейди у камтарлик билан.

Яқинда Муқаддасон Фазлиддинова раҳбарлик қилаётган мактабга Чуст туман партия кенгаши раиси Мухсинжон Бобохон, «Ўзстандарт» агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси касабга уюшмаси қўмитасининг раиси Зокиржон Эргашевлар боришди. Улар бу ерда амалга оширилган қурилиш-ободончилик ишлари учун ота-оналар кенгаши раиси Ҳафизулло Маҳжамов ва ҳашарчиларга миннатдорчилик билдириб, янги охишна учун жиҳозлар тўпламини тақдим этишди.

Ҳашар йўли билан барпо этилган мактаб биноси ва унга кўрсатилган ҳомилик ёрдами балки катта эмасдир. Аммо ташаббус ва интилишлар самараси фарзандларимиз учун бўлаётгани кишига қувонч бағишлайди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: М. Фазлиддинова.

ЮЗ ЖАФО ҚИЛСА МАНГА БИР ҚАТЛА ФАРЁД АЙЛАМОН, ЭЛГА ҚИЛСА БИР ЖАФО, ЮЗ ҚАТЛА ФАРЁД АЙЛАРАМ

Алишер НАВОЙЙ

ҒАЗАЛ

Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Кабба вайрон бўлса, обод айлағай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр асар бандам деса,
Андин ортиқ англаким, бир банда озод айлағай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун,
Истарамким, авалидин ёна бунёд айлағай.

Ёр ҳижронидин ўлғумдур, бу навъ эрмиш сазо
Ул қишаеким, бироваға ўзни мўтвод айлағай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглиму бир оҳ ила
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлағай.

Шайхдин зуҳду риде касб ўлур, ё раб, қани
Дайр пириким, фано расмини иршод айлағай.

Одам авлодида камдур одамилик шеваси,
Одам эрмас, улқи майли одамизод айлағай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,
Енгилб аввал менинг жонимга бедод айлағай.

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астиробод айлағай.

Жамиятни тузатиш учун, давлатни маънавият нури билан торлатиш учун ҳам энг аввало шахсни камол топтириш керак. Шахс эса, Навоий назарида тасаввуф ва тарикат талаблари билан камол топиши мумкин. Шу боис Навоий тасавуф гуяларини берилиб куйлаган, унинг идеал ҳаётлари ҳам софдил сўфийлар ёки шунга талабгор ошқилар, қалби Илоҳ ишқи билан фарқ ориф инсонлардир. Сўфийнинг қалби гўё бир кўзгу, бу кўзгуда

қилмағил инкор анга;
Кема тийри мол аро бўлмиш
муқайяд демағил,
Кўр, ки онча мол ўлурму
монети рафтор анга.

Яъни, тарикат йўлига кирган озод кишини бой деб таъна қилма, мол-мулки унга ҳалақит беради деб ўйлама. Мол ортган кеманинг ўқи молга боғланиб қолади дема. Қарагин: шунча мол ортган бўлса ҳам, кема суръат билан олдинга қараб бормоқда.

ланган қондаги киритилган, таълим-тарбияга сингдирилган ғоялардир. Бундан ташқари, Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти ҳам ушбу ахлоқий фазилатларни кенг ёйишда катта роль ўйнади. Бироқ ҳамма гап шундаки, ушбу ахлоқий сифатлар фақат бир давр ёки замон билан чегараланмаган кадрят эмас, балки бемалол айтиш мумкинки, улар боқий кадрятлардир. Бу, қолаверса, фақат Шарқ учун муҳим бўлган де-



Навоийнинг қабри.

НАВОЙЙ МАЪНАВИЯТИ — КОМИЛ ИНСОН МАЪНАВИЯТИ

Ҳақ жоли акс этади, шу боис сўфийнинг ўзи ҳам Ҳақнинг борлиги, билиги ва буюклигини исботловчи гувоҳ (тиссол)га айланади. Сўфий ҳамма-вақт яхшиликни ўйлайди, у шу дунёнинг ўзида яхшилик тантана қилиши учун фаолиятда бўлади. Сўфий ҳамма нарсада Оллоҳ жамолни ҳис этади, у хоксор, фақир ва қаноатли:

Бошдин-оёқ ҳар бири бир кўзгу бўлуб,
Шоҳиди мақсудга ўтрў бўлуб.

Кўзгуву шоҳид кўрунуб ҳар тараф,
Кўзга ямон кўрмак бўлуб бартаф.

Ҳар сориким нозира ўлуб Ҳақ кўруб,
Қилғувини Фоилю Мутлак кўруб.

Навоий Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Саййид Хасан Ардашер сиймоларида маърифат нури қалбини торлатган инсонлар мисолини кўради. Унинг тасвирига кўра фақирлик — бу ўта қашшоқлик ва гадоилик эмас. Сўфий мол-мулк эгаси бўлиши ҳам мумкин, аммо ҳамма гап ахлоқда: агар мол-мулкни ҳаёт мазмуни деб, унга қулдай сажда қилса, хирс қўйса, баҳил, паст табиат, фахшу разолатга берилса — унда бу инсонийликни йўқотишдир. Лекин бойлиги бўла туриб, саховат йўлини тутса, уни илм олиш, маърифатли бўлишга сарфласа, умуман, ишқни мулкни қўлайтиришга эмас, маънавий камолотга қўйса — бундай киши учун мол-мулк қимматли ҳалақит бермайди.

Чунончи, Алишер Навоийнинг мана бу китъасига эътибор беринг:
Солиқи озодаки кўрсанг ганий,
қилғай дебон
Мол анинг манъи сулуқи,

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугина эмас, Навоий наздида мансаб эгаси бўлиб ёхуд хатто тахтада ўтириб қалбан дарвеш бўлиш мумкин (бунга шоир Искандарни мисол қилиб кўрсатади ва Хусайн Бойқарода ҳам шу хислат борлигини қайд этади), чунки софдил дарвешлар поклик ва ҳақгўйлик рамзи экан, улар инсон қалби тубида яшириниб турган илоҳий эътиқод ва ҳурриятнинг ифодачисидирлар ва шу боис ҳар бир одам уларни севиши ва уларга эргашиши мумкин. Шундай қилиб, Навоийда дарвешлик ғояси тарки дунёчилик ва зоҳидлик ғояси ҳам, ноҳор ва қашшоқ кишилар мафқураси ҳам эмас, балки ботиний маънавий юксалиш ғояси, яъни КОМИЛ ИНСОН маънавиятидир. Навоий КОМИЛ ИНСОН ахлоқидан ибрат олишга даъват этади. Чин инсонийлик сари бориш йўли шу деб талқин этади.

Ҳўш, ҳар гал эҳтирос ва муҳаббат билан илчил тараннум этилган комил инсон ахлоқига нималар кирари? Навоий назарида инсонни шурафловчи жамияти фазилатлари бунга киритиш мумкин. Аммо, булар орасида у имон, қаноат, саховат, илм-маърифат, вафо, ҳуммат, хоксорлик, адолат, адаб каби сифатларни ажратиб олиб, қарийб ҳамма асарларида қайта-қайта турли воқеалар тасвири муносабати билан таъкидлаб ўтган. Бу сифатлар наинки одами улуғвор, фозил ва мўтабар этади, балки Илоҳга яқинлаштиради, илоҳий хислатларга мойил қилади, дейди улуғ мутафаккир.

Албатта, бу ахлоқий талаблар Навоий даври мафқурасидан келиб чиқади, аниқроғи асрлар давомида иш-

сақ хато бўлади, бутун дунё гуманист адиблари, мутафаккирлар бу каби инсоний сифатларни ҳимоя қилганлар, улуғлаганлар. Аммо Шарқда бу алоҳида аҳамият касб этган; ҳалим, адабли, мўмин, меҳрибон одамлар эъзозланган. Бунинг ўзи айна пайда жамият руҳиятига, оила тутиш, тартиб-интизомни сақлаш, таълим-таҳсил ва ҳоқазоларга таъсир этиб турган.

Шу ўринда қайд этмоқчимизки, шўролар даври адабиётшунослигида Навоий ва бошқа мумтоз шоирлар ижоди таҳлилида уларнинг шахс ахлоқига эътибор қилишлари «чекланганлик», «тушунмаслик» деб талқин қилинди. Яъни Навоий алоҳида одамларнинг ахлоқини тузатиш, адолатли шохни мақташ билан жамият иллатларини бартафат этишга чақиради. Бу эса тўғри эмас, жамиятни яхшилаш, одамларни бахтёр қилиш учун шахс ахлоқига эътибор қилимасдан, инқилоб йўли билан эксплуататор синфларни йўқ қилиш керак, дедалар коммунизм мафқурасида.

Улар назарида гўё синфий зиддият йўқ бўлса, ахлоқ ҳам тузалмайди, ҳамма шафқатли, меҳрибон, меҳнатқаш бўлармиш. К.Маркс, Ф.Энгельс шу нуқтаи назардан француз маърифатпарварларини, Т.Мор, Р.Оуэн, Л.Фейербах кабиларни танқид қилиб, уларни хаёлпарастларга чиқарадилар.

Шўролар мафқурасининг емирилиши ҳазрат Навоийнинг қарашлари айна ҳақиқат эканини исботлади: инсон ахлоқини тузатмасдан инсоният жамиятини яхшилаш мумкин эмас, бошқача айтганда, маънавий баркамол жамият

маънавий баркамол инсонларнинг баҳамжиҳат, ҳамкор ва ҳамдаст бўлиб яшашидир. Шуниси ҳам борки, Навоий бой ва камбағал, тоифа ва табақаларнинг бўлишини инкор этган эмас. Ҳазрати Жомийнинг «Хирадонмаи Искандарий» асариде ҳамма аъзолари қаноатли дарвешлардан иборат жамият ҳақида боб бор. Бу дарвешлар шохлик ва бошқаруви бўлиши керак. Бирок бошқарувчи ахлоқини инкор этадилар.

Лекин Навоийнинг «Сади Искандарий» асариде бундай ғоя йўқ, бунинг ўрнига Навоий юқориде айтганимиздай, дарвеш ахлоқини қабул қилган одил шох бошқарувини тақдир этади. Яъни, жамият бўлгандан кейин унинг бошқаруви бўлиши керак. Бирок бошқарувчи ҳокимлар ўзларини раият хизматкори, раият «қўни» деб ҳисоблаши, ҳаммаша доно ҳокимлар, пок ниетли инсонлар билан бамаъсалахат иш юритиши лозим. Акс ҳолда, раият билан подшо, подшо билан лашкар орасида зиддият келиб чиқади. Демак, Навоий давлат масалаларига, подшо лавозими ва аъёнларга муносабатда

ҳам шахс сифатларини биринчи ўринга қўяди. Шу боис «Маҳбуб ул-қулуб»да жуда кўп тоифалар ҳақида ёзганда ҳам Навоий фалон тоифа яхши, фалон тоифа ёмон, фалон тоифа фалон тоифани эзish ҳисобига ашамоқда, деган фикр билдирмасдан, ҳар бир тоифа намояндларининг ахлоқини таҳлил қилади, уларнинг бошқаларга нафъ ёки зарари, фазилат ёки нуқсонлари ҳусусида тўхталади ва айна касб эгасига хос ноҳўя, гайри шаръий, зарарли ишларни танқид остига олади. Одил шох, зolim шох, яхши вазир, ёмон вазир; инсоф-диённатли қози ва по-рахўр, қонунбузар қози ва ҳоқазо ҳақида гапирлади. Бу тўғри ҳам, жамиятни қандай асосларга суяниб қайта қурманг, инсондаги эътиқод, имон ва инсоф бош кўрсаткич бўлиб қолаверади. Маънавий етуқлик бўлмаса, қонун (Навоий даврида шарият) ҳам иш бермай қолади.

Нажмиддин КОМИЛОВ,
профессор

САРҲИСОБДАГИ ЗАРҲИСОБ

Ўзбек миллий маънавий-маърифий оламнинг гултожи — Алишер Навоийдир. Бу зоти бобаракотни аслида ҳар қуни эслаш, ёдга олиш ва унга муносиб ворислик ҳақини ўрнига қўйиш жоиз. Бу демак: — Алишер Навоийдай зотни бизнинг халқимизга бергани учун Алҳамдулиллоҳи шукрона айтиш; — даҳо шоир ижодида баҳрамандлик қарзу фарз эканлигини билиш, яъни унинг асарларини ўқиш ва ёд олиш; — буюк аждодимиздаги инсонийликнинг бир қисми, бир ҳиссаси, юздан бири, ҳеч бўлмаса мингдан бири — бир заррасини ўз шахсимизда бўлишини чин дилдан хоҳламоқ ва бунга муяссар бўлмоқ; — 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили экан, буни Алишер Навоий йили деб ҳам билмоқ керак. Негаки, Навоий бобомиз халққа умрбод ҳомилик қилиб яшайди.

Тасаввуфнинг асоси — яхши ахлоқ. Яхши ахлоқнинг гултожи — саховатдир. Навоий ахлоқдаги мислсиз камтарликни намуна деб билмоқ. Алишер Навоийни шарафлашнинг олий бир намунасига гувоҳ бўлдик. Юртимиз олимлари шоир «Мухаммал асарлар тўплами»нинг йигирма жилдаги нашрини ниҳосига етказиб, элга армуғон этдилар. Бу улуг ишни бошлаганлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзма-лар институтиди, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари фузалолари бўлдилар.

Алишер Навоий асарлари нашрига заҳматқаш олимларимиз ўн олти йил вақт сарфладилар. Дарҳақиқат, буюк иншоотлар қурилиши узок чўзилади... Мухими — иш ба-жариди. Фалон китоб ё жилдлар нашр этилди, дейиш осон. Бирок уларнинг ҳар бирини тайёрлаш, нашрга тайёрловчи — матнчи танлаш, ҳар бир ҳарф ва сўзни эҳтиёткорлик билан араб ёзуvidан ҳозирги ёзуvimизга кўчириб чиқиш — булар ҳазиллакам меҳнат эмас. Нашрга тайёрловчи олим бу ишга киришганда кўп андишалар олдида ҳадиксирмағай табийи. Чунки Алишер Навоий асарлари ношири буюк ижодкор қўллаган барча сўзлар уммон лугатини билмоғи керак.

Бугина эмас, ҳар бир байт — ўзига хос бир хона. Байт мазмуни тўғри идрок этилсагина — тўғри кўчирилади. Учинчидан, вазн ва маънода хато қилмаслик учун илми бадеъ (ёки саноеъ) ва арзу илмидан билимдонлик ҳам керак.

Ана шу талабларнинг ҳаммасига жавоб бериш масъулияти Навоийнинг асримиздаги олим-хотиблари зиммасида эди. Бунинг устига академик нашр тушушсининг ҳам ўзига хос бир талаблари қўндаланг турарди.

Хуллас амалда Навоий «Мухаммал асарлар тўплами»нинг йигирма жилди тизилди...

Бу нима дегани? Бу — ўзбек миллий маънавий-маърифий оламда Навоийга қўйилган улкан ҳайкаллардан улғуворроқ обидадир!

Баҳоуддин Нақшбанд ва Имом Бухорий зиёрати учун махсус тайёрлаган билан Бухоро ва Самарқандга бориладиган олимлар эса Навоий зиёратини ўзбек хонадонлари учун, зиёга ташна халқимиз учун жудаям яқинлаштириб бердилар — Навоий замонида ҳозиргача мумтоз шоиримизнинг бундай мукамал асарлари нашри яратилмаган эди. Бу қулғу иш, табаррук хизмат ўринлатилди.

Бу нашр маълум маънода олимларимизнинг жасорату шижоати, заҳматқашлигию билимдонлиги, матнчилик тажрибасию закоси синови бўлди, десак муболага бўлмас. Йигирма жилдада нашрга тайёрловчилар, муҳаррирлар, тақризчилар сафиде мумтоз адабиётшунослигимиз вакилларидан бир гуруҳининг хизматлари беқиёс.

Бу саовли ишларнинг узвий давоми сифатида Ғафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг бугунги тантаналарга қўшаётган ҳиссасини айтиш мумкин. Ушбу жамоа 2005 йилда Алишер Навоийнинг «Вафо қилсанг» унвонли шеърлар тўплами ва «Лисонут тайр» достонини (ҳозирги тилдаги насрий баёни билан) нашр қилиб, элга манзур этиб улгурди. Улар жорий йилнинг уч ойида Навоий ҳазратларининг «Хамса»си беш достонини (табдили билан) китобхонларга лотин ёзуvidа топширишга саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Шунингдек, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳам бир саовли ишга қўл урди. Бу йирк корхона ижодкорлари бир-икки ой ичида Алишер Навоий «Хамса»сини бир буюк китоб ҳолида жорий ёзуvда элга армуғон этади.

Хуллас, олимларимизнинг Навоий ижоди бўйича яратган илмий асарлари сафиде шоирнинг ўз асарларининг бунчалик кўп нашрлари буюк истиклол шарофати бўлиб, маънавий ҳаётимиздаги йирк ҳодисалардандир.

Улуғ шоирнинг кенжа замондоши — Заҳриддин Мухаммад Бобур ўлмас «Бобурнома»сида Алишер Навоийнинг муруватига энг тўғри ва олий баҳо бериб қўйган: «Аҳли фазл ва аҳли ҳунарго Алишербекча мураббий ва муқаввий (ҳомий) маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай» деб чин дилдан ҳазрат Навоий мураббийлиги ва саховати олдида бош эгади.

Дарҳақиқат, ҳомийликнинг энг улуг намунаси Алишер Навоий шахсида мумасам эди. Уша беназир ҳомий ўзбек эди, биз — ўзбеклар учун воргисимиз. Шу фахр ҳомийларимиз учун ҳам маънавий муқофот бўлади деб ўйлайман.

Баҳоб РАҲМОНОВ

НОЁБ ХАЗИНАДАН БАҲРАМАНД АВЛОД

Халқимиз миллий руҳиятида беқиёс ўрин тутувчи буюк бобоклонимиз Мир Алишер Навоийнинг улкан мероси мана беш асри, давр ва замонлар оша инсоният яратган тафаккур чўққиларидан бири бўлиб келмоқда. Рўх ва туйғу, қимматли кўнгли эркинлиги ғояларини ўз асарлари орқали қуйлаган шоир ижоди ҳар қандай жамиятда одамзот учун инсонийликнинг юксак намунаси бўла олишини, ордан шунча йиллар ўтиб тобора чўқурроқ англамоқдамиз.

Айниқса, ўсиб келаётган авлод онгиде алола меросига ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини ўйотиш; фарзандларимизни ёшликдан қонун ҳолида китоб ҳолида нашр этилаётгани, шунингдек, бир қатор давлатларда буюк бобомизнинг муаззам ҳайкаллари қад ростилагани бунинг далилидир.

Хусусан, 2002 йилда Москванинг марказий хиёбонларидан бирига, 2003 йилда Япониянинг Токио шаҳридаги Сока университетига ўрнатилган бундай ҳайкаллар ўзга юртларда ҳам буюк шоир шахсини англашга, унга ҳурмат баҳо келтиришга хизмат қилмоқда.

Россия ва япониялик биродарларимизнинг муружаати ҳамда Президентимизнинг тақлиф ва тавсиялари билан яратилган мазкур асарлар муаллифи — Ўзбекистон халқ рссоми Рашан МИРТОЖИЕВ бу ҳақда шундай дейди:



ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Алишер Навоий даҳоси, унинг бой ижодий меросига бўлган эътибор нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ортиб бормоқда. Унинг асарлари бошқа тилларда китоб ҳолида нашр этилаётгани, шунингдек, бир қатор давлатларда буюк бобомизнинг муаззам ҳайкаллари қад ростилагани бунинг далилидир.

Хусусан, 2002 йилда Москванинг марказий хиёбонларидан бирига, 2003 йилда Япониянинг Токио шаҳридаги Сока университетига ўрнатилган бундай ҳайкаллар ўзга юртларда ҳам буюк шоир шахсини англашга, унга ҳурмат баҳо келтиришга хизмат қилмоқда.

Россия ва япониялик биродарларимизнинг муружаати ҳамда Президентимизнинг тақлиф ва тавсиялари билан яратилган мазкур асарлар муаллифи — Ўзбекистон халқ рссоми Рашан МИРТОЖИЕВ бу ҳақда шундай дейди:

— Бугун санъат арбоби сифатида фахр билан тилга оладиган асарларим Навоий ҳайкалларидир. Чунки, уларни яратишга бор маҳоратим, бутун борлигимни бағишладим, десам муболага бўлмайди. Навоий бобомиз шахсияти нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё ҳурмат-этиромига, эъзозига лойиқдир. Унинг ўз ижодий фаолияти давомида яратган бебаҳо асарлари

таъзим қилмоқда. Сока университетиде эса дунёга машҳур ҳайкалрошлар томонидан яратилган қўлпал буюк шахсларнинг ҳайкаллари қўйилган. Аммо уларнинг ҳаммаси бино (интерьер) ичида жойлашган. Университет ҳовлисида Навоий бобомизнинг соф бронзадан ясалган 4,5 метри маҳаббатли ҳайкали гранит тош устига ўрнатилди. Бу Навоийнинг Японияда ҳам юксак ҳурмат-этиромга сазоворлиги намунасидир.

Шуни айтишим кераки, бу икки асарни бир-бирига Президентимизнинг тақлифи билан битилган куйдаги байт боғлаб туради:

Олам аҳли, билингизким,
иш эмас душманлиг,
ёр ўлинг бир-бирингизга-
ким, эрур ёрлинг иш.

Зайиниддин МАМАДАЛИЕВ
эзиб олди.

Суратда: Р. Миртожиев иш устaxonасида.



Суратлар муаллифи Шавкат АҚРАМОВ

Ватан ҳимояси — олий шараф

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида сўнгги йилларда ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, сержантларни тайёрлашнинг замона талабларига жавоб берадиган тизимини такомиллаштириш борасида кўпгина ишлар қилинди. Ҳарбий округларда ташкил этилган Сержантлар тайёрлаш мактабларида юрт ҳимоячилари ўқитилиб, қўшинларга жўнатилди.



АСКАРЛАР УСТОЗИ, ОФИЦЕРЛАР ЁРДАМЧИСИ

СЕРЖАНТЛАР МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ СУЯНЧИ

зиёд кичик командирлар ҳарбий қисмларга жўнатилди.

Яқинда эса округ Сержантлар тайёрлаш мактабида мучи ўзгариш юз берди — шартнома бўйича хизмат кичик сержантлари мазкур ҳарбий таълим даргоҳида уч ойлик дастур асосида малака ошириб, сержант унвонига эга бўлишади.

Давлатимиз раҳбарининг сержантлар таркибини танлаш ва тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар профессионалларни тайёрлаш йўлида туб ўзгаришларга сабаб бўлди.

Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактабида уч ойлик малака ошириш ўқув дастури ташкил қилинди.

Ҳарбий соҳадаги ислохотлар боис ихчам, замонавий Қуролли Кучларимиз шакллантирилди, — дейди Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлигининг ўринбосари, ўқув бўлими бошлиги, подполковник Бахтиёр Очилов. — Жумладан, кадрлар тайёрлаш масаласида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. 2001 йилда Сержантлар тайёрлаш мактаби ташкил этилган бўлса, 2005 йил ноябрига қадар махсус тайёргарликдан ўтган 2500 нафардан

секция командирлари, взвод командирларининг таъминот ишлари бўйича ёрдамчилари, тўпчилар расчёти командирлари, чегарачилар малака оширишга.

— 2002 йилдан шартнома бўйича ҳарбий хизматдан, — дейди Олимжон Номозов. — Алоқачиман. Уч ойлик дастур асосида малака ошириб, сержант унвонига эга бўлишади. Утган йилнинг декабридан бу ерда жиддий танлов асосида сараланган алоқачилар, мото-ўқчилар

хўрликлардан мамнунман.

Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини кўрсата оладиган юрт посбонларининг янги авлоди тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу даргоҳда Ватан ҳимояси йўлида доим тайёр турадиган мард ва жасур ўғлонларимиз камол топмоқда.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Суратларда: кичик сержантлар ўқиб-ўрганиб, малака ошираётган жараён. Камолдин Тўраев олган суратлар

Спорт

ЭРТАГА ТУРИНДА

XX ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ


Ер кўрасининг нуфузли мусобақаларидан бири саналган қишқи Олимпия ўйинларига бундан тўрт йил муқаддам АҚШнинг Солт-Лейк-Сити шаҳри мезбонлик қилган. Бу галги мусобақа эса Европа қитъасининг қадимий шаҳарларидан бири Турин (Италия)да бўлиб ўтади. 10-26 февраль кунлари уюштирилган XX қишқи Олимпия ўйинларида дунёнинг юзга яқин давлатидан иштирокчилар қатнашиши кутуляпти. Спортнинг йигирма тури бўйича ўтадиган мусобақаларда икки ярим минг нафар спортчи 82 комплект медаллар шодаси учун кураш олиб боришади.

XX қишқи Олимпия ўйинларида тўрт нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Жумладан, Марина Аганина, Артём Князев (жуфтлик), Анастасия Гимазетдинова (яккалик)лар муз устида нафис учиб бахсларида ўз маҳоратларини намойиш этишса, Қайрат Ерметов тоғ чангиси бўйича майдонга чиқади. Шунингдек, муз устида нафис учиб бўйича тажрибали мутахассис Евгений Рохин Олимпия ўйинларига ҳакам сифатида тақлиф этилган.

— Мусобақада медаллар учун асосан Россия, АҚШ, Германия, Япония, Норвегия, Швеция, Канада давлатлари вакиллари ўртасида қизгин кураш кечади, — дейди Миллий Олимпия қўмитаси президенти маслаҳатчиси Роман Ицков. — Аммо, бу олимпиячиларимиз кучсизлар қаторидан жой олади, дегани эмас. Ватанимиз спортчилари энг сара таркиб билан мусобақада қатнашадилар. Фигуралли учиб усталари қитъамизнинг етакчи спортчилари

ридан саналади. Жумладан, Марина Аганина ҳамда Артём Князев яқинда Японияда ўтган Осиё чемпионатининг жуфтлик баҳсларида олтин, Анастасия Гимазетдинова эса бронза медалларини қўлга киритиб, мутахассислар эътирофига сазовор бўлишди. Бўстонликлик Қайрат Ерметовдан ҳам умидимиз катта. У тоғ чанги спорти бўйича кўп қарра мамлакат чемпиони, халқаро турнирлар совриндори. Ҳалимизки, Турин олимпиада-сида Қайрат муносиб иштирок этиб, мухлислар ишончини оқлайди.

Эркин ХОЛБОБО



Суратда: олимпиячиларимиз Артём Князев ҳамда Марина Аганина

ЭТО'ОНИНГ НОАНИК ЗАРБАСИ

Футбол бўйича Мисрда ўтаётган Африка Миллатлар кубоги баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Мусобақанинг чорак финалидаги Камерун — Кот-Д'Ивуар миллий терма жамоалари ўрашувининг асосий вақтида ҳисоб очилмади. 92-дақиқада камерунликлар ўз дарвозалари тўридан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишганди. Аммо Кот-Д'Ивуар футболчилари хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Орадан тўрт дақиқа ўтган, Мейсонг Зе ҳисобни тенглаштирди. Натижада мусобақа ярим финалчиси номи пенальтилар сериясида аниқланди. Унда рекорд натижа қайд этилди — 11:12. Пенальтилар сериясини нафақат Африка қитъаси, балки аллақачон жаҳон футбол юлдузларига айланган «Барселона» (Испания) ҳужумчиси камерунлик Это'О ҳамда «Челси» (Англия) аъзоси кот-д'ивуарлик Дрогбалар муваффақиятли бошлаб беришганди. Яқинда ҳам бахтли жамоа номини аниқлаш шу футболчилар чегига тушди. Бироқ ҳал қилувчи паллада Это'Онинг ноаник зарбаси Камерун терма жамоасини кейинги босқич йўлланмасидан «қуруқ» қолдирди.

Ҳар бир фаилда эса қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: Миср — Сенегал — 2:1, Кот-Д'Ивуар — Нигерия — 1:0.

ВАЛУЕВ ИШИ СУДДА КЎРИЛАДИ



КАССА

Бокс бўйича ута оғир вазндаги жаҳон чемпиони Николай Валуев билан «Спартак» спорт саройи қоровули Юрий Сергеев ўртасида юз берган келишмовчилик бўйича тўпланган материаллар Санкт-Петербургдаги Калинин туман федерал судида кўриладиган бўлди. Борди-ю боксчи устидан жиноий иш қўзғатилган бўлса, Николай Валуев айби жабрланувчининг соғлиғига била туриб энгил тан етказганликда малакаланиши мумкин экан.

Эслатамиз, бу воқеа шу йилнинг 19 январь куни «Спартак» спорт саройи дарвозаси олдида юз берганди. Қоровул бош мия жароҳати ҳамда кўкрак қисми эзилган, деган ташхис билан шифохонага ётқизилган эди.

Қоровул Валуевнинг хотинига машинани ўз жойига қўйиш лозим деган танбەхни бергандан кейин боксчи уни ургани ҳақида сўзламоқда. Боксчи бўлса, уни қалтаклаганини тан олмаяпти.

КИЧИК КЛИЧКО ЧЕМПИОНЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА



Суратларда: бўлажак чемпионлар Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Украиналик Владимир Кличко билан ИВФ йўналиши бўйича жаҳон чемпиони америкалик Крис Берд ўртасида шу йилнинг 22 апрель куни Германиянинг Маннхейм шаҳрида ўзаро жанр бўлиб ўтади. Эслатамиз, Берд илгари ака-укалар билан жанг қилган. 2000 йилнинг 1 апрель куни Виталийни техник ҳисобда енган бўлса, 14 октябрда Владимирга имкониятни бой берган. Нима бўлганда ҳам Берд бу сафар чемпионлик унвонини бешинчи марта ҳимоя қилади. У 2002 йили афсонавий Эвандер Холифиддин мағлубиятга учратиб, чемпионликка эришган. Кичик Кличко учун навбатдаги жанг унинг спорт олимпиада нуфузини ошириши мумкин.

«АСАКА ЁҒ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Асака ёғ» очик акциядорлик жамиятида 2006 йил 11 март куни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Йиғилиш жамият мажлислар залида соат 10.00 да бошланади. Йиғилиш қатнашчилари соат 8.30 дан 9.30 гача рўйхатдан ўтадилар.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг рўйхати 9 февраль ҳолатига кўра ёпилади.

Умумий йиғилиш ўтказишга доир ахборотларни жамият Кузатув кенгашидан олишингиз мумкин.

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

- 1. Жамият Кузатув кенгаши сон таркибини ўзгартириш.
2. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
3. Бизнес-режани тасдиқлаш ва-

коллатини Кузатув кенгашига бериш.

4. Жамият Бошқарув ҳайъатини тайинлаш ва уни муддатидан илгари тўхтатиш ваколатларини Кузатув кенгашига бериш.

5. Жамият Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш.

6. Умумий йиғилиш тўғрисидаги низомининг янги таҳририни тасдиқлаш.

7. Кузатув кенгаши тўғрисидаги низомининг янги таҳририни тасдиқлаш.

8. Бошқарув ҳайъати тўғрисидаги низомининг янги таҳририни тасдиқлаш.

Жамият манзили: Андижон вилояти, Асака шаҳри, Бобур кўчаси, 5-уй.

«Асака ёғ» ОАЖ Кузатув кенгаши

Мамлакатимизда спортнинг тазквондо (ITF) тури оммалашиб бормоқда. Бунинг боиси ёшларимизнинг қизиқиши ва тазквондо билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётганлигидир.

Пойтахтимизнинг 80-ўрта мактаби қошидаги тазквондо секцияси фаолиятига бугун мутахассислар юқори баҳо беришмоқда. Ҳозирги пайтда жамоа бир ёқадан бош чиқариб, ёшларни спортнинг ушбу турига кенгроқ жалб этиш йўлида изланмоқда.

— Юзга яқин шогирдларим бор, — дейди мураббий, III ДАН қора белбоғ соҳиби Дмитрий Лян. — Улардан Асилдин Фуломов, Темур Икромов, Шахриёр Фуломов каби ёш спортчилар яхши натижаларни қўлга киритишмоқда. Айни пайтда Болгарияда ёшлар ҳамда фахрийлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраямиз. Шу ўринда «Алоқозу-Тез» савдо белгиси остидаги компаниянинг бизга кўрсатаётган ёрдамларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ушбу компаниянинг ҳомийлиги билан яқин кунлар ичида спорт залимиз



тўлиқ таъмирланади.

— Тазквондо билан 12 ёшдан шуғулланаман, — дейди Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси, II ДАН қора белбоғ соҳиби Мушарраф Махмудова. — Бу спорт турига болалигимдан қизиқаман. Қатор халқаро турнирларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритдим. Уч

маротаба мамлакат чемпиони бўлдим. 2004 йили ёшлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгалладим. Хаёtimни спортсиз тасаввур қилолмайман. Орузим жаҳон чемпиони бўлиш.

Суратларда: бўлажак чемпионлар Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ҲЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ 2006 йил 14,21,28 март кунлари Ўзбекистон банклари ассоциациясининг биносиде соат 11:00 да аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдосига қуйидаги объект қўйилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридеги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти, Паркент тумани суд ижрозчилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, А.Навоий кўчасида жойлашган «Холисон» ҳусусий фирмасига тегишли Тошкент вилояти, Паркент шаҳри, Навоий шохкўчаси, 286-уй манзилидаги 16 хонадан ташкил топган, фойдалани майдони 378,5 кв.м. бўлган дўконлар биноси.


Бошлангич баҳоси — 21 888 850 сўм. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бош-

лангич баҳосининг 10 фоизи миқдориде гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун топширилган аризаларни қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал аукцион савдоларига қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳар ҳафтанинг сешанба куни қайтадан савдоларга қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.



Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» ижтисорий компанияси танилов савдолари ўтказилиши ҳақида газетанинг 2006 йил 4 феврал сониде берилган эълонинг 4-банди Қизиққ тумани, Гиламбоб ширкат хўжалигидеги 540 ўринли Педагогика касб-хўнар коллежини фойдаланишига тайёр ҳолда қуриш, деб ўқилишини маълум қилади.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Xatlar va ommaviy ishlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.